Ушбу сонда:
2 ХАЛҚАРО ТЕРРОР – ГЛОБАЛ МУАММО
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI – FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 15 май, шанба № 79 (1712)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МОНИТОРИНГИ» ТАҚДИМОТИ

Олий Мажлисда парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрланган «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда мамлакатимизда мунтазам олиб бориладиган мониторинг натижаларини таҳлил этиш, амалиётда кенг қўллаш ўзининг ижобий натижаларини бераётгани таъкидланди.

Ўзбек тилида илк маротаба босмадан чиқарилган мазкур китобда давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари бажарилиши самарадорлигини оширишнинг муҳим механизми ҳисобланган мониторинг институти тўғрисидаги мақолалар жамланган.

**(ЎзА)**

*Касаба уюшма етакчилари*

## КЎПНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ

***Мухторжоннинг роса боши қотган. Тўнғич фарзанди Расулжонни уйлантириш вақти етди. Аллақачон армия хизматини ўтаб қайтган. Лекин тўй бошлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Хуллас, кейинги пайтларда эр-хотин турли ўй-режалар билан банд эди. Охири Наманган туманининг илғор жамоаларидан «Ғайрат» ширкат хўжалиги раисига бориб, учрашишни лозим топди.***

Раис Робихон Аҳмедова уни илиқ кутиб олди. Гапларини диққат билан тинглади. Суҳбат сўнггида:

– Мен шароитингизни, тушундим. Биз хўжалик касаба уюшма қўмитаси билан тузган жамоа шартномамизда кам даромадли, кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор берганмиз. Шунинг учун, касабақўм раиси Мўминжон Умаров билан бу масалани йиғилишда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этамиз.

Мухторжоннинг кўнглига ёруғлик тушди. Ахир, тушунди-ку! Ўшанда касабақўм қаергадир зарур юмуш билан кетган экан. Кечқурун топди. Ҳеч иккиланмасдан ўзини қачонлардан бери ўйлантираётган дардини ёзди. Касабақўм раиси унинг айтганларини эътибор билан тинглади. Ён дафтарчасига нималарнидир битди.

Хўжалик бошқаруви, касабақўм ва маҳалла қўмитаси раисларининг маслаҳатлари шу бўлдики, хўжаликнинг ички имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда Мухторжоннинг тўнғич ўғлини уйлантиришда амалий кўмак ҳамда бир йўла кенжа фарзанди Баҳодиржоннинг суннат тўйи ҳам қўшиб юбориладиган бўлди.

Кўпчилик тикилса тоғ қулайди, деганлари ҳақ гап. Келин ҳам топилди. Тўй куни эрталаб маҳаллага ош тортилди. Касабақўм раиси ҳам тўй боши қаторида келиб-кетувчиларни кузатаркан, камтаргина туюлувчи Мухторжоннинг ҳовлиси алоҳида файз касб этаётганини дилдан ҳис этди.

Шундан кейин куй қўшиққа, қўшиқ эса рақсга уланиб кетди. Ўртага тушмаган кам қолди. Ҳатто, ғоят тортинчоқ, тўрт киши йиғилган жойда оғиз очса, гапини йўқотиб қўядиган Мухторжон ҳам қўлини кўтариб давра айланди. Юзлари лоларанг тусга кириб ўйинга тушяптию, кўзларида ёш қалқиди. Тўғрида, хонадонида бунчалик тўй бўлишлиги хаёлига ҳам келтирмаган эди. Даврадан чиқиб, касабақўм М.Умаровни қучоқларкан ўпкаси тўлиб, деди:

— Бутун умрим хўжалик даласида ўтди. Бу ишларимга асло афсусланмайман. Қилган меҳнатимга мингдан-минг розиман. Менинг оғиримни шунчалик енгил қилдинглар, кўпчилик олдида юзимни ерга қаратмасдан баҳоли-қудрат элга дастурхон ёзишимда кўмаклашдинглар, қўллаб-қувватладинглар, бундан мамнунман.

Шу оқшом М.Умаров тўйдан чиқиб уйга қайтаркан, тенгдоши Мухторжоннинг айтган гапларини эслади. Бу миннатдорчилик шахсан унинг ўзига ёки хўжалик бошқарувининг раисига қаратилган эмас. Тўғри, одамларни боқимандалик кайфиятига ўргатмаслигимиз лозим. Бироқ шундай пайтларда касабақўмнинг нималарга қодирлигини, бу жамоат ташкилоти ишловчининг ҳақиқий ҳимоячиси, яқин маслаҳатчиси ва суянчиғи эканлигини билиб қўйишлари ҳам керак. Хўжалик бошқаруви касаба уюшма қўмитаси тавсияси ҳамда талабига кўра бу борада бир мунча ишлар қилинаётганлиги кишига таскин беради. Масалан, шу йилнинг ўзида 8 та оилада суннат ҳамда никоҳ тўйлари ўтказилишига ёрдамлашди. Зеро, чинакам ижтимоий ҳимоя фуқарони ҳар томонлама, айниқса, муҳтож пайтларда қўллаб-қувватлаш билан белгиланади.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ**



## КУМУШ ТОЛА ИЖОДКОРЛАРИ

Жарқўрғон туманида жорий йили 2400 қути пилла уруғи етиштирилди. Пиллакорлар «Меченная», «Ўзбекистон-5» навларини парваришламоқда. Айни дамда улар пилла ҳосилини топширишга киришган.

Туманда ҳар қачонгидан кўп пилла ҳосилини топшириш режалаштирилган. Пиллакорлар режадаги ҳар бир қутидан 51 килограмм ўрнига 75-80 килограмм пилла топширмоқчи. Ҳозир кунига 20-25 тонна пилла қабул манзилига жўнатилмоқда.

**Суратда: пилла ижодкорлари Ш.Ҳақназарова, М.Номозова, Х.Тўрамуродова, С.Мирзаева ва агроном А.Тоғаев.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

***Олий Мажлисда олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

Тадбир Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Шу йил охирида юртимизда илк бор икки палатали парламентга, шунингдек давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Сиёсий ҳаётимиздаги ғоят муҳим бу жараённи ҳаққоний, холис ва атрофлича ёритиш журналистлардан ўз масъулиятини янада оширишни талаб этади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ёритишда фаол, холис ва қатъиятли бўлиши даркор.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб қилиш бўйича тадбирлар дастури маъқулланди.

**(ЎзА)**

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
### мижозларга нима берди?

***Мамлакатимиз иқтисодий-молиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсатининг эркинлаштиришга қаратилган йўлдан оғишмай бораётганлиги туфайли инфляция даражасини пасайтириш имконияти яратилди. Мустақиллик берган иқтисодий эркинликлар эвазига халқимизнинг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда. Бунда Давлат акционерлик тижорат «Асака» банкининг Бухоро филиалининг ҳам улуши бор.***

– Жамоамиз мижозлар эътибори ва ҳурматини қозониш, уларнинг ишончли ҳамкори бўлиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилаётир, – дейди ташкилотчи раҳбар Соҳибжон Ашуров. – Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш билан бирга, аниқ мақсадларга йўналтирилган кредит ресурсларининг салмоғини кўпайтириш, хорижий сармоядорлар ва ишбилармонлар билан истиқболли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банкка кўпроқ жалб этиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаб, қарздорликни тамомила бартараф қилишга эътиборни қаратяпмиз.

Йилнинг дастлабки чораги якунларидан ҳам «Асака»нинг рақобат майдонида сира бўш келмай, тилга тушиб бораётган жамоалардан бири эканликларини пайқаб олиш қийин эмас. 2004 йилнинг 1 апрел ҳолатида олдинги йилнинг шу даврига нисбатан мижозлар сони қарийб 200 тага ошди. Ҳозир «Асака»нинг Бухоро филиалида салкам 1,5 мингта ташкилот, муассаса, корхона ва хўжалик юритувчи юзлаб субъектларга, ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахсларга, тадбиркору ишбилармонларга намунали хизмат кўрсатиб келинаётир.

Яна бир оддий ҳақиқатни баралла айтмоқ жоиз. Жамоа ўтган даврда миллий валютамиз бўлган сўмни барқарорлигини таъминлаш, пул кредит сиёсатини қўллаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Натижада иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, корхона ва ташкилотлар ходимларининг маошларини ўз вақтида тўлаш имкониятлари яратилди.

Ўтган даврда банк мижозлари сони деярли 1,5 марта ошди. Нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида мониторинг назорати ўрнатилганлиги ҳам ютуқлар омили бўлмоқда.

Ҳукуматимизнинг, юртбошимизнинг тадбиркорлик ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим кўрсатмаларига жавобан кичик бизнес ривожи учун кредит маблағлари ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр аниқ мақсадларни кўзлаб иш юритмоқчи бўлган 124 субъектга 1 422 037 минг сўмлик қисқа муддатли кредитлар ажратилди. Бевосита банк маблағлари ҳисобидан тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар 359 232 минг сўмни ташкил этди.

«Асака» филиали маъмуриятининг имтиёзли кредит фондини ташкил этиш йўналишидаги саъй-ҳаркатларини ҳам мамнуният билан таъкидлаш лозим. Жорий йилда камида 100 дан ортиқ субъектга имтиёзли фоизларда кредит ажратиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар ўттизга яқин мижозларга шу йўсинда хизмат кўрсатилди.

Аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб қилиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолаётир. Янги, юқори манфаатли, қолаверса қулай омонат турларини жорий этилаётганлиги айни муддаодир. Бу нарса аҳолига янги-янги имкониятлар яратмоқда. Ўтган даврда 3 ой муддатга йиллик 30 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан «Орзу», «Табассум», «Умид» дея номланган омонатларга 50 000 сўмдан кам бўлмаган миллионлаб нақд пуллар қабул қилинди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан дон ва пахтачилик билан шуғулланадиган жамоаларга 110 908 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. «Расулбобо»,«Шавкат», «Ҳамидбобо» фермер хўжаликлари ушбу хизматдан баҳраманд бўлиб, мўл-кўл ҳосил етиштириш учун меҳнат қилишмоқда.

Банк маъмурияти мижозларга қулайлик яратишга ҳам аҳамият бермоқда. Ҳозир филиалга қарашли «Ғиждувон», «Ситора» ва «Жондор» минибанк шохобчалари фаолият кўрсатишга киришди. Субъектларнинг 100 га яқини билан ҳисоб-китоб ишларини компьютер техникалари орқали махсус дастур асосида амалга оширишга ўтилгани ҳам жуда қўл келаётир.

«Асака» банки Бухоро филиали томонидан банк мижозларига 2004 йил давомида конвертация ишлари ҳам амалга оширилди. «Гуфик-Авицена» қўшма корхонаси ва «Шох Мирзо» хусусий фирмасига дори-дармон маҳсулотлари, «Элдорада Плюс» хусусий фирмасига линолеум олиб келиш учун, «Таъмирқурилиш» МЧЖ ва «МПМК-47» қурилиш корхоналарига зарур «МАЗ» русумли юк машиналари сотиб олишлари учун валюта конвертация қилиб берилди.

**Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири**



Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон ҳудудий бўлими тасарруфига Марғилон, Фарғона, Қувасой, Қува шаҳарлари, Тошлоқ, Ёзёвон, Охунбобоев ва Фарғона туманлари киритилган.

Ҳозирги кунда уюшмада Марғилон ҳудудий бўлими бўйича 1150 нафар уста ҳунарманд доимий фаолият кўрсатмоқда. Бўлим мутахассислари жойлардаги ҳокимият, солиқ идоралари билан яқиндан ҳамкорликда ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян иш олиб боряпти.

Бундан ташқари, уюшма қошида уста-шогирд мактаби ташкил этилиб, бешта ҳунар йўналиши бўйича 33 та шогирд етиштирилмоқда.

**Суратда: (чапдан) уста зардўз Раъно Эшонова шогирди Мақсума Нишонбоевага чеварлик сирларини ўргатмоқда.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчил бажарилишини, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар эркинлигининг янада мустаҳкамланишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли катта.***

Қонунчилик соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигида нашр этилаётган «Qonun himoyasida» журналининг ҳам ўз ўрни бор.

Бош прокуратурада мазкур журналнинг 100-сони чиқиши муносабати билан ўтган суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда матбуот билан ҳамкорлик истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олимлар ва журналистлар иштирок этган мазкур анжуманда Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов, Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Ш.Рўзиназаров, Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи Б.Тошев ва бошқалар инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга садоқат ўз ифодасини топган қонунларимизнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Йиғилишда прокуратура, суд-ҳуқуқ органлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили эканига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА)**

## ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Қўнғирот туманида Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси иш бошлади.

Қўшма корхонада суткасига, 220 тонна газ конденсати ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фоизини сифатли бензин, 30 фоизини солярка ва 10 фоизини керосин ёнилғиси ташкил қилади.

Россиянинг "Қурилиштрансгаз ОИЛ Прогресс" нефт компанияси бош директори ўринбосари С.Гусейновнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон ҳудуди ер ости бойликларига бой ва яқин кунларда қўшма корхона маҳсулотларининг миқдорини суткасига 450-500 тоннага етказиш режалаштирилган.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## СУДДАН ЎЗИГА ОҚЛОВ СЎРАЙДИ

***Сурхондарё вилоят прокуратураси терговчиси Сафаров томонидан ёзилиб, вилоят прокурори ўринбосари томонидан тасдиқланган айблов хулосасида (20 июн 2002 йил) Тожимурод Саматов икки эпизод бўйича айбдор деб топилди. Биринчи инстанциядаёқ битта эпизод айбловдан чиқарилди. Сурхондарё вилоят судининг 2002 йил 26 октябрдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 210-модда 2-қисми «в» банди, яъни 250 минг сўм пора эпизоди ҳамда иккинчи эпизод бўйича ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а» банди (такроран пора олиш) асоссиз қўйилганлиги учун Т.Саматов зиммасидан соқит қилинди ва у фақат иккинчи ҳолат – 300 минг сўм пора эпизоди бўйича айбли деб топилди.***

Биринчи эпизод бўйича айбловни терговчи иккинчи эпизод бўйича жабрланувчи Сафар Валиевнинг «Т.Саматов фалон-фалондан ҳам 250 минг сўм пора олган» деган кўрсатмаси асосида «қонуний» малакалаган эди. «Пора берган» фуқаро Жўра Ҳамроевнинг «мен ҳеч қанақанги Т.Саматовга 250 минг сўм пора берган эмасман, бунга асос ҳам йўқ эди, бу гапни Сафар Валиев қаердан олди, ҳайронман» деб бу кўрсатмаларни рад этса-да, у инобатга олинмади.

Иккинчи эпизод бўйича қўйилган айб ҳам Олий судга келиб биринчиси каби шубҳа остида қолиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари протестига асосан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2003 йилнинг 13 май куни биринчи инстанция ҳукми ва апелляция босқичи ажримларини бекор қилиб, ишни қўшимча терговга юборди. Олий суд ажримида жумладан шундай дейилади:

... Тергов органи Т.Саматовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда Т.Саматов С.Валиевдан 300.000 сўм пулни унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ёки товламачилик йўли билан олган ҳолатининг айнан нимадан иборат эканлигини айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида»ги қарор ва айблов хулосасида асослантирмаган.

... Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 11-бандида таъмагирлик йўли билан пора олишга тушунча берилган бўлиб, унда кўрсатилишича таъмагирлик йўли билан пора олиш деганида фуқародан унинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушуриш тушунилиши кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи Т.Саматовнинг ҳаракатларида ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «в» бандида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд деб ҳисоблаб, суд эса унинг шу модда билан айбли деб топган бир вазиятда ҳукмнинг тавсиф қисмида айбдорнинг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм ва банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Ва ҳоказо.

Олий суд 300 минг сўм пора Сафар Валиевнинг қайси бир манфаатига зарар етказиши мумкинлиги учун Т.Саматовга берилганлиги масаласида ойдинлик киритиш кераклигига урғу бераётгани бежиз эмас. С.Валиев Шеробод туманидаги В.Қодиров номли ширкат хўжалигида ғазначи бўлиб ишлайди. Шеробод «Пахта банки» ходими бўлган Т.Саматов хўжаликка Вазирлар Маҳкамасининг 504-сонли «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини текшириш учун борган бўлиб, хўжалик ғазначиси (кассир) бўлган С.Валиевга текширишнинг ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Ушбу қарор ижроси хўжалик раҳбарлари – раис ва бош бухгалтер зиммасига мажбурият юкларди, холос. Ажаб, порани хўжалик ғазначиси С.Валиев берган ва бундан на хўжалик раҳбари, на бош бухгалтер ёки на бошқа ходимлар хабардор бўлишган. Тергов ва суд давомида ҳам хўжалик раиси Ш.Беккелдиев ва бош ҳисобчи А.Қурбоновлар Т.Саматов улардан пул талаб қилмаганлигини, ғазначи С.Валиевнинг 300 минг сўм пора берганлигидан хабардор эмаслигини ва бу текширишнинг С.Валиевга ҳеч қанақанги алоқаси йўқлигини ҳамда пора бериш учун асос мавжуд эмаслигини баён қилишган. Хуллас, хўжалик раҳбарлари ўзлари масъул бўлган иш учун нега айнан ходими жонкуярлик қилиб, уларга хабар қилмасдан ўзини ўққа-чўққа урганлигини тушуна олмаётганликларига қуйи инстанция судлари ҳам эътибор қилишмаган кўринади.

Кўриниб турганидек, Т.Саматовнинг 300 минг сўм пора олганлик ҳолати анча шубҳали. У кишининг ҳар бир гаплари «далил» мақомида юрган айблов хулосадаги бир-бирига қарши, пала-партиш кўрсатмаларнинг ўзиёқ ана шундай шубҳа қилишга асос беради. Яъни:

У бир гапида биринчи текширувга борганда Т.Саматов хўжалик бош ҳисобчисидан 400 минг сўм, менинг ўзимдан 150 минг сўм пора талаб қилди, дейди. Бош ҳисобчи буни мутлақо инкор қилади.

Ҳисобчилар Қ.Ашуров ва Ж.Ҳамроевлардан бир ўринда 200 минг сўм пора олди, деса, иккинчи жойда 250 минг сўм олди дейди.

Бир кўрсатмасида 28 апрел куни Т.Саматов мендан 300 минг сўм пул талаб қилди деса, кейинги ўринларда бу сана 1 май деб айтилади.

300 минг сўм пулни Т.Саматов шкафнинг ичига қўйди, дейди. Лекин пул шкафданмас, стол тортмасидан чиққан. Судда эса унинг кўрсатмаси «столнинг тортмасига солиб қўйди» деб ўзгариб қолаяпти.

Айблов хулосасида мен Т.Саматовнинг пора сўраганини, талаб қилганлигини диктафонга ёзиб юрганман, дейди. Фоноскопик экспертизада Т.Саматовнинг пора сўраганлиги, ҳатто шунга ишора қилганлиги ҳақида ҳеч нарса маълум бўлмади.

Ва ҳоказо.

Айблов суд залларида бирин-кетин чок-чокидан сўкила бошлади ва табиийки, яна терговга қайтарилди. Шундан сўнг терговчи аввалги айблов хулосасини деярли шундоққина нуқта вергулигача кўчириб, 4 июл куни судга оширди... Яна Т.Саматов икки эпизод бўйича айбланяпти.

(Давоми 2-бетда)

## Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

**Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ўтган муддат давомида барча тизимдаги касаба уюшмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилишини назорат қилишда ва аҳолини иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга оид қонунлар талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.**

# ИШ БЕРУВЧИ

## томонидан Меҳнат Кодекси талаблари бузилган чоғда...

Бу ҳақда тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг бажарилиши назоратга олинди. Қонунларни кенг оммага тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениедан унумли фойдаланилди.

Бундан ташқари, ҳар йили жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, барча қуйи ташкилотларга юборилди. Қуйи ташкилотларда тузилган кўплаб жамоа шартномаларида бандликни таъминлаш, иш жойларини сақлаб қолиш ёки қайта ташкил этиш, қўшимча таътиллар бериш каби масалалар ўз аксини топди. Шунга қарамасдан, баъзи жойларда бу борада бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, айрим вилоятлар касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ марказий қўмиталари ва улар тасарруфидаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳақидаги масалаларни ўзларининг иш режаларига киритмаганлар, раёсат йиғилишида кўриб чиқилмаган, айрим тадбирлар вақтида бажарилмаган. Қонуний ҳуқуқлари бузилган аъзоларнинг ҳуқуқий ҳимоясини фуқаролик судлари орқали таъминлаш касаба уюшмаларининг устувор вазифалари сирасига кирса-да, уларнинг бу борада олиб бораётган ишларини етарли даражада, деб бўлмайди. Натижада айрим ҳолларда иш берувчилар ходимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 153, 154 ва 161-моддалари талаби билан мустаҳкамлаб қўйилган меҳнат ҳақи миқдори, меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари ҳамда тўлаш муддатлари ҳақидаги ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйганлар.

Жамоа шартномасининг таъсирчанлигини ошириш омилларидан бири бўлган меҳнат ҳақини вақтида тўламаган иш берувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги банд киритилмаган.

Айрим вилоятларда жойлашган бир қатор корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари қонунга хилоф равишда ҳар ойда бир марта этиб белгиланган.

Шунингдек, айрим корхоналарда жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги, иш берувчининг айби билан иш ҳақи тўлаш кечикканда товон тўлаш ва ҳоказолар киритилмаган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва тармоқ марказий қўмиталари тасарруфидаги бир қатор корхоналарда меҳнат шартномаларини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай камчиликларни Хоразм, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларда учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 230 ва 232-моддаларида белгилаб қўйилган, яъни ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиши ҳамда 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши ҳақидаги қонун талабларига кўп ҳолларда риоя қилинмаган. Бундай ҳолатларни Самарқанд, Андижон, Сирдарё ва бошқа қатор вилоятларда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларда учратдик. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, текшириш натижасида барча бўғиндаги касаба уюшмаларининг иш фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилишини назорат қилишда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги 13-10 сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилишини ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Ўтган йил якунига қадар Ўзбекистон касаба уюшмаларига жами 19774 та мурожаат келган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Булардан маълум бўлмоқдаки, айрим вилоятларда иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларини қўпол равишда бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишига олиб келмоқда.

**А.АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими мудири**

*“Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман” танловига*

# БОЛА ҚАЛБИ ЭРКИН БЎЛСИН

– Кейинги пайтларда республикамиздаги мавжуд «Меҳрибонлик уй»лари, махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларининг шароитларини ҳар жиҳатдан яхшилашга эътибор кучайди.

– «Меҳрибонлик уй»лари ҳамда махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларининг барча қобилият ва лаёқатлари ривожлансин. Билимли, маданиятли, маънавияти юксак инсонлар бўлиб улғайсинлар; Қандайдир сабаблар билан оила ҳароратидан ажралган ёки жисмоний нуқсонлари бўлган болажонлар қалби кемтик бўлмасин. Меҳр-муҳаббатга имкон қадар зориқмасинлар – ҳукуматимизнинг, нуфузли вазирликлар ҳамда халқ таълими вазирлигининг бир қатор қарорлари, тақдимномаларидан асосий мақсад мана шу.

«Меҳрибонлик уй»лари, махсус таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокамаси Фарғона вилоятида ўтказилди.

– Кейинги пайтда бу соҳага эътибор, ғамхўрлик ҳамма вилоятларда кўринмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган 3 та «Меҳрибонлик уй»лари, 4 та махсус мактаб-интернатларини таъмирлаш, қўшимча зарурий бинолар билан, ётоқхона ва машғулот хоналарини, спорт зали ва майдончаларини замонавий асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминлаш бўйича бажарилган ишлар бошқа вилоятлар учун ибратга арзийди, – дейди республика халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Дониёров.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, кейинги бир йил мобайнида Марғилон шаҳридаги 1-, Қўқон шаҳридаги 12- ва 17-«Меҳрибонлик уй»лари ҳамда кар болалар, кўзи ожизлар, заиф кўрувчи болалар таълим-тарбия оладиган мактаб-интернатларнинг ҳаммаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар янгиланди. Ўқув заллари, кутубхоналар, ошхоналар бугунги кун талабларига жавоб беради. Компьютер хоналари ташкил этилди...

2003 йил давомида ва жорий йилнинг шу вақтига қадар вилоятдаги «Меҳрибонлик уй»лари ва махсус мактаб-интернатларини таъмирлаш учун бюджетдан қўшимча 122 миллион сўмдан ортиқ, ҳомийлар томонидан 97 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган. Бу сарфу ҳаражат, янгиланишлардан асосий мақсад тарбияланаётган ўғил-қизларнинг жисмоний, ақлий, руҳий, маданий, маънавий ривожланишида яна ҳам яхшироқ натижаларга эришиш.

Албатта! Давлатимиз, ҳомий ташкилотлар саховатли одамлар яратаётган шароитлардан оқилона фойдаланиб, улардан бу даргоҳларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг баркамол улғайиш йўлида қай даражада фойдаланиш тарбиячилар, педагогларнинг билими, тажрибаси, энг муҳими масъулиятига ва болаларга меҳр-муҳаббат билан ёндошувига боғлиқ.

Ҳайъат мажлиси қатнашувчилари тарбияланувчилар иштирок этган амалий машғулотлар, тренингларда аввало болаларнинг эркинлиги, мустақил фикрлашга ўрганаётганликларини қайд этдилар. Демак, уларнинг қобилиятлари тўла намоён бўлиши, мустақил фикрлаш учун маънавий муҳит яратилган. Қизиқишлари эътиборга олинади. Шуни қайд этишни истардикки, баъзан ўз оиласида, ота-онаси бағрида ўсаётган болаларда ҳам ана шундай руҳий бардамлик, эркин фикрлаш етишмайди.

Марғилон шаҳридаги 1-«Меҳрибонлик уйи»даги таълим-тарбия ишлари энг намунали деб топилди. Унинг директори Манзура Ҳошимованинг ушбу сўзлари ёдда қолди.

— Биз – педагоглар, тарбиячиларнинг вазифамиз бу ерда худди оиладаги каби муҳит яратиш. Бола ўзини эркин ҳис қилсин, мақсад ва қизиқишларини эркин айта олсин, – деган тамойил билан иш олиб боради.

Марғилондаги биринчи «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси Ширинной Мустафоева ўтказган тренинг энг намунали деб топилди ва бу жамоанинг иш тажрибаларини республикага ёйиш мақсадида яқин келажакда кўчма семинар ўтказилиши режалаштирилди.

Болаларнинг чуқур, пухта билимларини китобларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун «Меҳрибонлик уй»лари ва махсус мактаб-интернатларда лотин ёзувидаги бадиий адабиётлар, замонавий луғатлар, энциклопедиялар етишмайди... Демак, нашриётлар ҳам меҳр-муҳаббатли нигоҳларини бу даргоҳларга қаратишлари керак.

Ва яна бир муаммо: Вилоят «Меҳрибонлик уй»ларидаги 427 нафар тарбияланувчилардан 145 нафари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари бўлса, қолган 282 нафар ўғил-қизлар кам таъминланган оилалардан келганлар. Маҳаллий ташкилотлар, маҳаллалар мана шундай оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратсалар, болаларнинг кўпчилиги оилада, ота-она бағрида ўсиши мумкин.

Албатта, бу борада жамиятимизнинг фаол, жонкуяр кишилари, жумладан, биз оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам вазифаси катта. Зеро, келажагимиз – болаларнинг бағри бутун, дунёқараши кенг, билимли, меҳр-муҳаббатли инсонлар бўлиб улғайиши ота-оналардан тортиб барча-барчамизнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятимизга боғлиқ.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**





Фарғона туманидаги катталар поликлиникасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда 130 нафар шифокору ҳамшира эл соғлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги доимий назорат остига олинган. Шу мақсадда аёллар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиб турилибди. Шунингдек, туман мактабларида меҳнат қилаётган ўқитувчилар тиббий кўригини ташкил этиш ҳам шифо маскани зиммасида. Поликлиника ҳозирда 22 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

**Суратларда: поликлиника мудираси Саодат Аҳмедова ва шифокор Назира Исоқова лаборатория бўлимида; ҳамшира Паризот Зокирова.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Тадбир*

## «БАЛЛИ, КАСАБАҚЎМ!»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти қўмитасининг ташаббуси билан «Балли, касабақўм!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ҳудудий босқичларда ғолиб бўлиб, вилоят танловида қатнашган 5 нафар қатнашчилар олиб бораётган ишлар ҳамда қўлга киритилаётган натижалар танловнинг бош мавзусига айланди. Албатта, иштирокчилар маънавият-маърифат ҳамда спорт соҳасидаги тадбирлар дастурига мувофиқ илғор иш тажрибалари билан ҳам ўртоқлашдилар. – Танлов иштирокчилари бошланғич ташкилотларда фаолият кўрсатиб, касаба уюшмалари ва аъзоларининг ҳамжиҳатлигини, ҳамфикрлилигини таъминлаб эл-юрт орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаётганликларига янна бир карра ишонч хосил қилдик, – дейди вилоят қўмитаси раиси муовини Қодир Амиржонов.

Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган танловда ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг барча шартлардаги фаолликларини ҳисобга олишди. Шу туманнинг 3-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаббатхон Миноввbooks рова танловга пухта тайёргарлик кўрганлиги инобатга олиниб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Зангиота туманидаги 3-мактаб вакили Дилобар Исматуллаева иккинчи, Паркент тумани 15-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Жасур Ускановга 3-ўрин насиб этди.

Низомга мувофиқ «Энг яхши касаба уюшма билимдони», «Энг яхши касаба уюшма хонаси» номинациялари бўйича рағбатлантирувчи ўринларни Нилуфар Жамолова ва Рихсихон Нуракбоева қўлга киритишди.

«Балли, касабақўм!» кўрик-танлови ғолиблари ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ХАЛҚАРО ТЕРРОР – ГЛОБАЛ МУАММО

**Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов билан бўлган мулоқотида икки мамлакат ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ҳамда хавфсизлик масалаларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида якдиллик зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ҳамда Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, хусусан, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Ташкилотнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги анжумани олдидан бир қатор муҳим масалалар юзасидан фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, халқаро хавфсизликни таъминлаш масаласи XXI аср бошларига келиб инсоният олдида турган энг асосий муаммолардан бирига айланди.Эндиликда алоҳида давлатлар ва минтақалар хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди.

Сайёрамизнинг турли нуқталарида давом этаётган можароларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг таъсири аста-секин миллий чегаралардан ўтиб, бутун минтақаларни ва бу орқали дунёнинг турли бурчакларидаги ҳудудларни ўз домига тортмоқда.

Можароларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири, бу кўптомонлама ҳамкорликнинг асосий воситаси деб тан олинган халқаро ташкилотлардир. Халқаро ташкилотларнинг минбари барча аъзо давлатлар учун можароларни ҳал қилиш борасида олиб борилаётган фаолият ва ташаббусни олдинга суришнинг энг қулай воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Айнан Президент Ислом Каримов ташаббуслари сабаб бўлиб қисқа вақт орасида кўпгина давлатлар Ўзбекистон Республикасини таниди ва унинг Марказий Осиё минтақасидаги ўзига хос ўрни борлигини эътироф этди. Шуниси эътиборга лойиқки, хавфсизлик борасида олиб борилаётган фаолиятнинг барчаси узоқни кўзлаган ҳолда, нафақат Ўзбекистон манфаатларини, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти манфаатларини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳаётнинг турли жабҳаларига оид ташаббусларини олдинга суришида унинг сиёсий географик ўрни, минтақадаги геосиёсий мавқеи муҳим аҳамият касб этади. Чунки давлатимиз қатор ривожланган мамлакатлар, трансмиллий компания ва корпорациялар манфаатлари кесишадиган минтақада жойлашган. Президентимиз таъкидлаганидек: «...биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз. Аслида шаклланиб келаётган, лекин жуда куч-қудратли, XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди».

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан олдинга сурилган ташаббусларни жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилишда халқаро ташкилотларнинг тутган ўрни беқиёс. Бугунги кунда 40 дан ортиқ минтақавий ва глобал халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлган Ўзбекистон ўз ташаббусларининг асосий қисмини ана шу ташкилотлар минбаридан туриб эълон қилган. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти кабилар алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда хавфсизлик борасида олиб борган фаолияти ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра халқаро ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Бу жиҳатдан улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

минтақавий ва халқаро хавфсизлик муаммолари:

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари:

Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасидаги экологик мувозанатни тиклаш:

ядро қуроли ва технологиялари тарқалишининг олдини олиш ва Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш:

халқаро ташкилотлар фаолиятини ва уларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари:

халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси таклифларининг барчаси у ёки бу даражада халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бевосита боғлиқ. Агар Афғонистонда тинчликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш, халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масалалари бўйича олдинга сурилган ташаббуслар бевосита минтақавий хавфсизлик ва уни таъминлаш орқали халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, Орол денгизи муаммоларига бағишланган ташаббуслар экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган. Халқаро ташкилотларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар эса улар фаолиятини, самарадорлигини ошириш орқали халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишга қаратилган.

**Саидмурод ИКРОМОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти**

## ЯНГИ БУЮМ БОЗОРИ

«Чорсу буюм бозори» масъулияти чекланган жамият ҳудудида 487 та замонавий дўконлар қисқа муддатларда қурилиб фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошбозортайёрловсавдо» нинг бевосита амалий кўмаги ҳамда бош пудратчи «Мухлиса қиз» хусусий фирмасининг бунёдкорлик ишлари самараси натижасида фаолият бошлаган ушбу бозорда ноозиқовқат товарлари билан савдо қилинмоқда.

Шунингдек, замонавий пардалар, атир-упа ҳамда рўзғорбоп маҳсулотлар билан тўлдирилган дўконлардаги нархлар истеъмолчиларни қониқтиради. Бундан ташқари, бу ерда 4 та умумий овқатланиш корхонаси, «Уйжойжамғармабанк» мини банки, валюта айирбошлаш шахобчаси мижозларга хизмат кўрсатаётир.

## МАКТАБЛАРГА ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

Сариосиё туманида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонундан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг пухта билим олишлари, мактаблар ва ўқув муассасаларини замонавий жиҳозлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, туманнинг «Сангардак» жамоа хўжалигидаги 39-ўрта мактаб биноси замонавий усулда барпо этилиб фойдаланишга топширилди.

– Бизнинг илм даргоҳимизда илгари бир қатор муаммолар мавжуд эди, – дейди мактаб директори Ашурмаҳмад Қодиров. – Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари билан замонавий компьютер хонаси фойдаланишга топширилди. Хусусан, 11 та сўнгги авлод компьютерлари келтирилди. Яқин кунларда мактаб ўқувчилари интернет орқали бутун дунё билан боғланишлари мумкин. Энг чекка туманлардан бири Сариосиёда таълим олаётган ёшлар энди дунёдаги тенгдошлари билан бемалол мулоқот қила оладилар.

Туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Давлатбек Маҳмудовнинг таъкидлашича, шу каби ўнлаб мактабларда замонавий компьютер хоналари ташкил этилди.

**Д. ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# СУДДАН ЎЗИГА ОҚЛОВ СЎРАЙДИ

**(Боши 1-бетда)**

Терговнинг худди дастлабки ҳолатдаги ва кайфиятдаги айблови 2003 йил 31 декабр куни Шеробод туман судида кўрилиб амнистия актига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Ҳамда суд Валиевнинг Т.Саматов В.Қодиров номли хўжалик ҳисобчиси Ж.Ҳамроевдан 250 минг сўм пора олганлиги ҳолатида туҳмат ёки тергов органига ёлғон хабар берганлигини аниқлаш ва қонуний тўхтамга келиш учун ажрим чиқариб, материалларни Шеробод туман прокуратурасига юборди. Шундай қилиб, 300 минг сўм пора воқеаси бўйича Т.Саматовнинг айбдор ёки айбдор эмаслиги ҳақидаги масала очиқ қолаверди.

Такрор айтамиз, 300 минг сўм пора воқеаси ва С.Валиев ҳаракатлари кишида анчайин шубҳа уйғотади. Келинг, унга сабаб бўлган ҳолатларни келтирайлик.

Пахтабанкнинг Шеробод тумани филиалида ишловчи Т.Саматов 2002 йилнинг феврал ойида В.Қодиров номли ширкат хўжалигига хўжаликнинг дебитор-кредитор қарзлари аҳволи, шунингдек, ширкат хўжалиги хазинаси ҳисоб-китобларининг ҳолатини ўрганиш учун банк бошқарувчиси Б.Қурбонмуродов томонидан текширувга юборилади. Орадан бир ярим ой ўтмасдан бошқарувчи яна уни ушбу хўжаликка Вазирлар Маҳкамасининг 504-сонли қарори ижросини ўрганиш учун жўнатди. Табиийки, хўжалик раҳбарлари норозилик билдиришди ва банк бошлиғига икки марта текширув мумкин эмаслигини, бу уларни дала ишларидан чалғитиши мумкинлигини айтишганда Б.Қурбонмуродов уларни тинчитади: «Ишларинг бўлмасин, бу иш билан хўжалик кассири С.Валиев шуғулланади»...

Хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчи жавобгарлигидаги иш билан шуғулланиш ғазначи зиммасига, яна хўжалик раҳбарлари эмас, банк раҳбари томонидан юклатилиши жуда ғалати. Оқибатда ҳам ғалати бўлди: Т.Саматов камчиликларни кўрсатмаслик эвазига масъул бўлган хўжалик раиси ёки бош ҳисобчидан эмас, текширувга алоқаси йўқ ғазначи Сафар Валиевдан пора сўрабди? Ва С.Валиев ҳам раҳбарларига маълум қилмасдан, шахсан ўз чўнтагидан айтилган суммани тўлаворишга азму қарор қилибди.

Қандай қилиб дейсизми? Аввал пора талаб қилинаётганлиги тўғрисида раҳбарларига эмас, тегишли ташкилотларга хабар беради. Улар С.Валиевга кукунланган пул беришди. Эрталаб бирга чой ичганига қарамасдан тушдан сўнг С.Валиев яна Т.Саматов хонасида пайдо бўлди. Эрталаб ҳол-аҳвол сўраганлигига қаноат қилмай, у билан қучоқлашиб кўришди, елкаларига қоқиб қўйди. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлиб, бироздан сўнг чиқиб кетди. Ва бирдан хона эшиги очилиб, видеокамера кўтарган 4 чоғли одамлар пайдо бўлишди. Улар Т.Саматовни ҳозиргина С.Валиевдан пора олганликда гумонлашди. Ҳанг-манг бўлиб қолган Т.Саматов ҳеч қандай пора олмаганлигини маълум қилди. Лекин Т.Саматов ўтирган стол тортмаси текширилганда ундан 300 минг сўм кукунланган пул чиқди...

Айнан С.Валиевнинг банк бошқарувчиси томонидан текширишга масъул қилиб тайинланиши ва охир-оқибат ўзига боғлиқ бўлмаган, унинг манфаатларига алоқаси йўқ иши учун пора бериб, жабрланувчи бўлиб қолиш воқеасини кўпчилик шерободликлар қуйидаги ҳолатга боғлашади.

Айтишларича, салкам қирқ йиллик банк иши тажрибасига эга Т.Саматов кейинги пайтларда Пахта банкнинг Шеробод филиалидаги ишлардан норози юрган. Бошқарувчи Б.Қурбонмуродовга бир неча марта мурожаат қилган. Банкдаги кўзбўямачиликлар, кредит беришдаги таниш-билишчиликларга чек қўйишни ундан талаб қилган. Агар Б.Қурбонмуродов тийилмаса, булар ҳақида тегишли жойларга маълум қилишини айтган.

Ниҳоят, март ойида турли ташкилотларга Т.Саматов томонидан ариза ёзилади. Лекин у ўз аризаси натижасини кўришга улгурмайди. Чунки у апрел ойида хўжаликка иккинчи бор шахсан раҳбари томонидан текширувга юборилди. Т.Саматов билан шуғулланиш банк раҳбари томонидан шахсан С.Валиевга топширилди. Ва... шундан кейин қандай воқеалар рўй берганлигини эса биз юқорида ҳикоя қилиб ўтдик.

Т.Саматов икки йилдан бери судлардан ўзига оқлов сўраяпти, асослари бор. Чунончи:

Вазирлар Маҳкамасининг 504-сонли қарори ижросининг С.Валиевга ҳеч қанақанги дахли йўқ. Шунинг учун ундан пора сўрашга ҳам, унинг пора беришига ҳам асос мавжуд эмас.

Жиноят ишида текшириш даврида қўлда ёзилган далолатнома бор. Қонунбузарликларни кўрсатмаслик эвазига пора талаб қилди, дейиш учун бошқа далолатнома йўқ ва бўлган ҳам эмас. Бу С.Валиевнинг қонунбузарлик ҳолатини яшириш учун пора талаб қилди, деган гапи туҳматлигини кўрсатмайдими?

Бармоқ изларини идентификация қилишни у талаб қилган. Лекин ҳеч ким бу талабга қулоқ тутмаган.

Айбловда пора талаб қилганлиги диктафондаги ёзув билан исботини топади, дейилади. Фоноскопик экспертизада кассетадаги ёзув берилган ва унда Т.Саматовнинг пул сўраганлиги ҳақида ярим оғиз ҳам гап-сўз йўқ.

Пора талаб қилаётганлиги ҳақидаги ариза С.Валиев томонидан 28 апрел куни берилган экан. Ваҳоланки, Саматов текширувни 29 апрел куни бошлаган.

Суддаги ва терговдаги барча гувоҳларнинг кўргазмалари ҳам пора унга туҳмат эканлигини тасдиқлаган...

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

*2004 йил - Меҳр ва мурувват йили*

# КЎЗИНГДА НУР БАЛҚСИН, БОЛАЖОН!

***Ҳамма бахтни ўзича тушунади. Кимдир уни бойликда, молу давлатда деб билса, ҳаётнинг ўнқир-чўнқирини кўрган кишилар эса соғлиқда дейишади. Аслида-чи, бахт ўзи нима?***

— Опажон, мен ҳамиша ота-онам, ака-укаларимнинг, умуман яқинларимнинг меҳрларини қўмсаб яшайман. Ҳеч қурса, байрамларда, туғилган кунимда мени йўқлаб келишларини, баъзан уйга ҳам олиб кетишларини жуда-жуда истайман, — дейди ўн уч ёшли ўсмир Рамил Киреев. — Менимча, бахт — ота-она, уларнинг меҳридан баҳраманд бўлишда.

Yolg'iz Emassan fond

Рамил Қибрай туманидаги 77- сонли махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг 7-синфида ўқийди. Болаликдан ногирон. Гарчанд, йўқласа йўқлагудай қариндошлари, яқинлари бўлса-да, ҳамиша уларнинг эътиборини кутиб яшайди. Қачонлардир ота-онаси келиб, уни ҳам ўз уйларига олиб кетишига ишониб яшайди.

Бироқ, тақдир, қисмат деганлари — ҳақиқат. Аслида бу ерда Рамилнинг тақдирдошлари анчагина. Мактаб-интернатда асосан руҳий ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган 7-16 ёшли 192 нафар болаларга соддалаштирилган дастур асосида машғулотлар ўтказилади. Ўттиз нафар педагог, ўн нафар тарбиячи улар атрофида парвона. Оқ ювиб оқ тарайди. Бироқ, барибир ота-она меҳрига ҳеч нарса етмайди, қиёс топилмайди.

—Айрим ҳолларда шанба кунлари дарсдан сўнг ота-онаси бор тарбияланувчиларимизни уйларига олиб кетишади, — дейди муассаса раҳбари муовини Ойша Алединнова. - Ўша пайтда болаларимизнинг қувонганларини бир кўрсангиз эди. Гўё бутун дунёда улардан-да бахтиёр одам йўқдай. Аммо ота-онаси йўқ болалар кўзидаги мунг, озорни кўриб, юрагимиз эзилиб кетади.

Ўқув даргоҳи касб-ҳунарга йўналтирилган. Шу боис қолган болалар шанба-якшанба кунлари турли машғулотлар билан банд бўлишади. Улар чизган расмлар, тиккан кўйлакчалар, юмшоқ ўйинчоқларни кўриб завқланасан киши. Ўз меҳнат маҳсулларини кўриб болаларнинг ўзлари ҳам қувонишади.

Болалар ясаган ўйинчоқларни кўздан кечирамиз. Жажжигина тикилган кўйлак ва нимчалар, турфа ўйинчоқлар, ёғочдан ишланган ўймакор нақшлар, бешикчаю хонтахталар—буларнинг барчасини гўё мўъжизага қиёслаш мумкин. Негаки, руҳий жиҳатдан тенгқурларидан бироз бўлса-да ортда қолган болажонларнинг ижодий иш билан шуғулланишлари, шуғулланганда ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортадиган даражада нафис асарлар ярата олганликларининг ўзи мўъжиза.

— Мен тиккан кўйлакча сизга ёқдими, — сўрайди ўзига хос тортинчоқлик билан Нилуфар исмли қизалоқ. — Сизга совға қилайми?

— Раҳмат, жуда чиройли тикибсан. Сенга ҳам совғалар беришадими?

— Мен олган совғалар жуда кўп. Айниқса, байрамларда кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, китоблар... Кўрсатайми?

Нилуфар бирдан очилиб-сочилиб, шкафчасидан янги ҳошияли сарафанчаю шиппакчасини олиб кўрсата бошлайди. Унинг юзидаги мамнунлик бизга ҳам кўчгандай бўлди.

— Ҳомий ташкилотларимизнинг беғараз кўмагини ҳамма вақт сезиб турамиз, — дейди Ойша опа. — Мана куни кеча Қибрай туман ҳокимлиги болаларимизга бир дунё спорт анжомларини тақдим этди.Туроб Нормуҳамедов номли ширкат хўжалиги, "Медтехника" ишлаб чиқариш корхонаси, 86-автокорхона маъмурияти томонидан кўрсатилаётган ҳимматлар айниқса, таҳсинга лойиқ. Болаларимиз совға олаётган пайтда улар юзидаги қувонч ва шодликни кўриб, сиз ҳам ҳақиқий бахт намунасини кўргандек энтикасиз.

Афсуски, муаммолар ҳам йўқ эмас экан. Хусусан, 70 йилдан буён қад ростлаб турган бинолар аллақачонлар ўз вазифасини ўтаб бўлганлигини кўриб, кўнглимиз бироз хира тортди. "Эскини бутлагунча эсинг кетади" деганларидек, бинолар ҳар йили қайта-қайта таъмирдан чиқарилади. Қанчадан-қанча сарф-ҳаражату оворагарчиликни гапирмаса ҳам бўлади. Қани энди бирор саховатпеша ҳомий топилса-да, мактаб-интернатнинг каттагина ҳовлисида янги замонавий бино қад ростласа.Бу ҳозирча амалга ошмаётган, аммо юракдан исталаётган яхши ният холос.

Маълумки, шу йилнинг феврал ойида Республика Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди.Дастурни кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилган эди.Республикамиздаги барча мактаблар моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилганди.Ўтган давр мобайнида Махсус комиссия юртимиздаги жами мактабларнинг аҳволини ўрганди ва шу асосда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқди.

Демак, орзулар рўёбига умид ва ишонч бор.

**Гулнора АҲМЕДОВА,**
**журналист**









# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Хотира турнири*

***Паҳлавон Маҳмуд юрти саналмиш Хоразм азал-азалдан мард, алпкелбат полвонлари билан етти иқлимга донг таратган. Ушбу хайрли анъана бугунги кунда ҳам муваффақиятли давом эттирилмоқда. Зеро, хоразмликлар ўтказиладиган ҳар қандай мусобақага, у оддий тўй кураши ёки нуфузли беллашувми, зўр иштиёқ билан муносабатда бўлишади. Боғот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ўйингоҳида бўлиб ўтган ёш полвонлар ўртасидаги хотира турнири ҳам фикримизни тасдиқлади.***

## ҒОЛИБЛАРГА ТАЛАБГОР БОРМИ?

Байналмилалчи жангчи Кенжа Полвонов хотирасига бағишлаб илк маротаба ташкил этилган мусобақада 100 нафарга яқин ёш спортчилар қатнашди. Улар етти вазн тоифасида баҳс олиб боришди. Ёш полвонларнинг гиламдаги ҳар бир хатти-ҳаракати хизмат кўрсатган спорт устаси Бобохон Абдуллаев бошчилигидаги тажрибали ҳакамлар томонидан муносиб тарзда баҳолаб борилди.

Дарвоқе, турнирни юқори савияда ташкил этиш, кўнгилдагидек ўтказишга Байналмилалчи фахрийлар уюшмаси туман бўлими ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳиссаси катта бўлди.

Ёш полвонлар бор маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, оғир вазндаги курашчилар Ж.Машарипов ва Т.Матқаримовлар ўртасидаги финал баҳси ғоят муросасиз кечди. Унда Ж.Машарипов 15 сония ичида рақибини мағлубиятга учратиб, иқтидорли курашчи эканлигини кўрсатди. Шунингдек, 55 килограмм вазнда гиламга тушган Анвар Юсупов ҳам кураш сирларини пухта эгаллаганлигини исботлади. Бошқа вазн тоифаларида эса Мардон Маметов, Отабек Қуронбоев, Зокир Бекиев, Ўткир Болтаев, Бектурди Бекевлар ғолиб деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ, қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Икром ҲАСАНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## 70 ЙИЛЛИК ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ

***Бундан 70 йил аввал бу нуфузли илмий муассасага асос солинган эди. Чиндан ҳам Ўзбекистон фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти учун ўтган давр ҳар томонлама мустаҳкамланиш ва ривожланиш йиллари бўлди.***

Эндиликда Алишер Навоий номи билан аталаётган мазкур илмий даргоҳ Ўзбекстон ҳукуматининг қарори асосида маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг филология бўлимлари асосида юзага келди. Ўз фаолиятини 1934 йилда бошлаган институтнинг салоҳияти тобора ортиб борди. Ташкил топган ўша дастлабки йилларда бу ерда бор-йўғи сектор иш юритган бўлса, бугунги кунда унинг таркибида ўн бўлим бор. Фольклор, мумтоз адабиёт тарихи, XX аср адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён каби йўналишларида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги ўзбек тили, лексикология, терминология сингари бўлимларда амалга оширилаётган илмий изланишлар ҳам диққатга сазовордир.

Кўплаб монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланди. Институтнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» илмий журнали саҳифаларида тилшунослик ва адабиётшуносликка оид мақолалар чоп этилмоқда. Зеро, илмий муассаса ўзининг бу санасини муносиб совғалар билан кутиб олди.

**А.АЛИОХУНОВ**

*Ҳаётий ҳангомалар*

## ХАТОСИНИ ТУШУНДИ

Вақти-вақти билан синфдош дўстлар учрашиб туришарди. Бу сафар улар Салимнинг меҳмони бўлишди. Дўстлар гурунги алламаҳалгача давом этди. Лекин Турсунбойнинг эски одати қолмади қолмади-да. У дўстларига ноўрин кесатиқ ва тегажоқлик қилишга устаси фаранг эди. Бу кўпчиликнинг дилини хира қилди.

Ниҳоят дўстлар уй-уйларига тарқалишга чоғлангач, Салим Турсунбойни кузатиб қўймоқчи бўлди.

- Машинага ўтир, - деди у Турсунбойга «Запорожец»га имо қилиб. - ҳозир ёнингга шеригинг чиқади.

Турсунбой дўстининг ҳожатбарорлигидан севиниб, ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқ олингани учун орқага чиқиб ўтирди. Кўп ўтмай у Чарли лақабли итини етаклаб келди.

- Ана сенинг тенгинг, - деди у рулга ўтирар экан, - бир таъзирингни бериб қўйсин.

Шу топда Турсунбойнинг ҳаёлидан нималар ўтгани ўзигагина аён. Лекин сир бой бермади.

Катта йўлга чиққач Салим атайлаб машина тезлигини ошириб, гоҳо кутилмаганда секинлатар, йўлнинг носоз жойларида Турсунбой Чарли билан тўқнаш келиб, жониворнинг бир қарич тили унинг юз-қулоқларига тегиб кетар эди. Устига-устак Чарлининг ёқимсиз нафаси унинг димоғи тагида анқирди. Турсунбой уйига етиб олунгча бўлари бўлди.

- Сен ҳақсан, - деди у зўрға манзилига етгач хайрлашар экан. - Мен хато қилибман, кечир.

## ТАКСИ ПУЛИ

Карим бўш қолди дегунча, ҳарна-да, ҳеч бўлмаса машина харажатларини кўтарар, деган умидда киракашлик қилади. Лекин одамлар ҳар хил. Баъзида таниш-билишлари такси пулини насия қилиб индамай жўнаворишади.

Бу сафар ҳам танишларидан бири манзилига етгач:

- Раҳмат, кўришгунгча омон бўл, - деди миннатдорчилик билдириб. Бу ҳол илгарилари ҳам юз бергани учун Карим уни тўхтатди.

- Менинг исмим Олиш, - деди у танишининг гапига жавобан. - Раҳмат бошқа одам.

Таниш йўловчилар олдида ноқулай аҳволга тушиб, такси пулини икки баробар тўлаб жуфтакни ростлади.

**Абдулла САИДОВ**



Сўзсиз сурат. А.ҲАКИМОВ чизган расм

*Турфа олам*

### ҒАЛАТИ АСБОБ

Англияда ихтиро қилинган бу ғалати асбоб, овозаларга қарганда махфий агентлар ва... табиатшунослар учун мўлжалланган. Телетўппонча стволига 300 метр наридаги нарсаларни плёнкага тушира оладиган кинокамера жойлаштирилган.

Бу ихтиронинг афзаллик томони шундаки, у қоронғида ҳам яхши ишлайверади. Унга ўрнатилган 1000 ваттли инфрақизил лампочка узоқдаги объектларни ёритиб туради.

### БАЛАНД УЧАДИГАН ҚУШЛАР

Швед физиги Порстен Густавсон қушларнинг қанчалик баланд учишларини аниқлайдиган асбоб кашф этди. Асбобнинг вазни ҳатто бир грамм ҳам келмайди.

Унинг ёрдамида физик бугунгача фанга маълум бўлмаган бир неча қизиқ масалаларни аниқлашга эришди. Маълум бўлишича, каптарлар 1700 метр, қалдирғочлар эса ҳатто 4000 метр баландга кўтариларкан.

Бу кунгача бу қушлар 300 метрдан юқори учаолмайди, деб ўйланарди.

### ЁМҒИР ЧУВАЛЧАНГЛАРИ

Ҳозир фанга ёмғир чувалчангларининг 1500 дан зиёд тури маълум, аксари турлари иссиқ минтақада яшайди.

Ёмғир чувалчангининг тана тузилиши қизиқ. Унинг танаси 80 дан баъзан 300 тагача етадиган ҳалқачалардан - бўғимлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммасида 8 тадан калта туки бўлади.

Чувалчанглар ана шу туклар ёрдамида ҳаракатланади.

### УЛКАН БАЛИҚЛАР

Денгиз ва океанларда кўплаб улкан балиқларни учратиш мумкин. Шулардан бири кит акуладир.

Унинг узунлиги 18-19 метр бўлиб, барча тропик океанларда яшайди.

Улкан акуланинг узунлиги 13,5 метр. Океанларнинг мўътадил совуқ жойларида ва шимол сувларида учрайди.

Яшил тунецнинг узунлиги 3 метрга боради. Океанларнинг тропик ва мўътадил иссиқ ҳудудларида ҳаёт кечиради.

Оқ акуланинг узунлиги ўртача 10,8-12 метр ўртасида бўлади. Тропик океанлар ва мўътадил иссиқ жойларда яшайди.

Йўлбарс акуланинг ўртача узунлиги 4,5 метр, баъзан 9 метрлиги ҳам бор. Океанларнинг тропик ва субтропик ҳудудларида яшайди. Денгиз тулкиси узунлиги 6 метрга боради. Уларни окаенларнинг тропик ва мўътадил иссиқ сувларида учратиш мумкин. Денгиз иблиси қанотининг узунлиги 6,6 метрга етади.

**А.АЛИЕВ**

*Турмуш чорраҳаларида*

## АЧЧИҚ ТАҚДИР ЗАРБАСИ

***Нозима - камон қош, қайрилма киприк, ол ёноқли сулув қиз. Унинг бўйи етиб, барча қизларнинг бошида бўлганидек эшикларидан совчилар мўралай бошлади. Аммо Нозиманинг кўнгил қўйгани, аҳди паймон қилгани бор эди. Шу сабабли онасининг қисташларига қарамай ўз сўзи «йўқ»да туриб олди. Бироқ, нима бўлди-ю, икки ёш орасидан ола мушук ўтди ва Нодирнинг сўзларига жавобан «Бир ҳафтадаёқ сендан-да устун бир йигитга турмушга чиқмасам, отимни бошқа қўяман», - дея катта кетиб юборди.***

Шундай бўлди ҳам. Икки-уч кун орасида тагли-тугли оиладан бўлган Камол Нозиманинг қўлини сўради. Алам ўтида ёнаётган қиз майл билдирди. Никоҳ базмида Нозима хизмат қилиб юрганлар орасида дилига жуда яқин кишисини учратди. Тасодифни кўрингки, Нодир у оиланинг фарзанди, Нозиманинг эса қайниси бўлиб чиқди. Ҳайрат ёш келинни гангитди. Орадан кунлар ўтди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Нозиманинг кўнгли Нодирнинг ширин сўзлари, шўх қилиқларини соғинди ва ҳиссиётга берилган янга бор уят, номусни бир четга суриб, ўзини Нодирнинг қучоғига отди. Нозима учун тароватли ва таҳликали онлар бошланди.

Шундай кунларнинг бирида қайнотаси Нозимани ёнига чорлади. Доимо сипо кўринган одамнинг қарашлари нечундир муғомбирона эди. Бу ҳолдан ваҳмда қолган Нозима остонада тек қотди. Шу дам қайнотаси у ва Нодирнинг бор хатти-ҳаракатидан хабардор эканлиги ва буни эл-юртга достон қилиб шармандаи-шармисор қилишини айтиб ўшқирди. Вазиятнинг бунчалик чигаллашувини кутмаган Нозима гангиб қолди. Оёғи тагидан замин кўчиб, бўшлиқда сузиб юргандек ҳис қилди ўзини. Энди нима бўлади?! Орзулари саробга айланган келин бу уйдан кетишга қарор қилди.

Нозима ўз оиласида . Қайтиб келиш сабабини ота-онасига ҳам айтмади. Қайнонаси бир-икки бор келиб, олиб кетмоқчи ҳам бўлди, кўнмади. Нозима энди бу қишлоқдан бош олиб кетмаса бўлмаслигини англаб, шаҳарда яшовчи опасиникига жўнади. Аммо энди у ёлғиз эмас, қўлида кўзлари мунчоқ Ҳилола ҳам бор эди. Нозимани шаҳарда ҳам тинч қўйишмади. Айниқса, Камол. Агар хоҳласа, у ҳам шу ерга кўчиб келишини айтиб, қасам ичди. Бироқ, Нозима рад этди. Ҳилола 2 ёшга тўлган куни қишлоқдан ота-онаси қутлагани келишди. Гап орасида аввалги ҳафта Нодир уйланганини, Камол эса ҳамон уни сўроқлаб уйларига келиб туришлигини сўзлаб беришди.

Нозима, қайнотам-чи, у нима деяпти, дегиси келди-ю, тили айланмади.

Бундоқ ўйлаб қараса, нимаики бўлган бўлса, ўзи сабабчи. Енгилтаклик қилмаганида бундай ҳолга сира тушмасди.

**Дилбар СИДДИҚОВА.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси «Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонаси жамият бошқаруви раиси Мухтор Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАРРАМ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ДУК «Сувсоз» тресги 01.06.04 йилдан сув таъминоти учун қўшимча қиймат солиғисиз 1 метр кубга 25 сўм, оқава сувларни зарарлантириш учун қўшимча қиймат солиғисиз 1 метр кубга 16 сўм 50 тийиндан янги тарифлар киритади. (деклорация 530-ТГ-2004 13.05.04й)

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаштириш инженерлари институти томонидан Рабылова Бибигул Ергжаповна номига 1997 йилда берилган №012687 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Ним табассум

**Кичкина оролда жойлашган ферма хўжайини қўшни ороддаги дўконга хотинини жўнатиб, унинг қўлига дўкончига йўлланган мактубни тутқазибди: «Рўйхатда қайд қилинган нарсаларнинг ҳаммасини менинг ҳисобимга насяга ёзиб қўйинг. Муз ҳали жуда юпқа, шунинг учун хотинимнинг қўлига пул беришга журъат этолмадим».**

* * *

*– Нега бу одам ҳар муюлишда бир тўхтаб ўтади?*

*– Бу менинг қўшним. Тарки одат амри маҳол. У ўн йил мобайнида шу йўл бўйлаб итини сайр қилдирган.*

* * *

**Нотиқ бир маромда маърузасини ўқимоқда. Тўсатдан сўнгги қатордан кимдир қичқиради:**

**– Баландроқ бўлсин.**

**– Кечирасизлар, жаноблар, мен маърузамни биров эшитяпти деб ўйламагандим.**

* * *

*Шаҳарда ҳамма ресторан ва магазинлар ёпилиб бўлган. Ичкилик излаб юрган Афанди аллақандай одамга учради. У яшириб қўйган шишани кўрсатди.*

*– Беш минг сўм.*

*– Бўпти, бу ёққа бер.*

*– Агар яна истаб қолсанг, манави телефонга қўнғироқ қил.*

*Афанди уйига келиб, шишани очса, унинг ичидаги ичимлик эмас, сув. У қўнғироқ қилди. Уйқусираган аёл гўшакни кўтарди: «Шаҳар водопроводининг навбатчиси эшитади».*

* * *

**– Менга тегишга рози бўлмасанг, ўзимни поезд тагига ташлайман.**

**– Шошма, бироз ўйлаб олай. Барибир, навбатдаги поезд фақат эрталаб бўлади.**

* * *

*Голливуднинг машҳур актрисаларидан бири бешинчи марта эрга тегибди. Кимсан француз рассомига.*

*– Сиз турмуш қуриб, бахтингизни топдингизми? – деб сўрашипти ундан.*

*– Ҳа, – деб хитоб қилипти актриса. – Мен бундан кейин фақат француз рассомларига турмушга чиқаман.*

* * *

**– Ўз вақтида сени хотининг билан ким таништириб қўйган эди?**

**– Биз мутлақо тасодифан танишганмиз. Бу ишда мен ҳеч кимни айблай олмайман.**

* * *

*Фирманинг эгаси янги котибага келган одамларга нима деб жавоб беришни тушунтирди.*

*Бир одам келади. Котиба сўрайди:*

*– Сиз бошқа фирманинг вакилимисиз? Ҳисоб бўйича пул олмоқчимисиз? Директорнинг дўсти эмасмисиз?*

*– Ундоқ ҳам, бундоқ ҳам, дўсти ҳаммас.*

*– Ундай бўлса, –деб жавоб беради котиба ёзувларига қараб олиб, – директор ҳозир мажлисда, у икки ҳафтага жўнаб кетган, мен ҳозир сизнинг келганингизни у кишига маълум қиламан.*

* * *

**Хотини кўзгу олдида қилпанглашини қўймайди, эри қўлида кино билетини ушлаганича, тез-тез соатига қарайди.**

**– Сочимни шундай турмакласам, анча ёш кўринаман-а, жоним?**

**– Ҳа, албатта. Лекин ҳаддан ошириб юборма. Бу фильмга ўн олтидан ёшларни қўйишмайди.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 16355 Буюртма Г— 615 1 2 3 4 5